



**ТАСАВВУФ ОНТОЛОГИЯСИ НАЖМИДДИН КОМИЛОВ
НИГОХИДА**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15617516>

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич

фалсафа фанлари доктори (DSc),

ISFT институти “Гуманитар ва табиий фанлар” кафедраси профессори

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Адилов Бобомурод Бекмуродович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

Аннотация

Таникли ўзбек тасаввуфшунос олими, Ўзбекистон тасаввуфшунослик илмий мактаби асосчиси профессор Нажмиддин Комилов (1937-2012) тадқиқотларида Тасаввуф фалсафасининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил ва тадқиқ этилиб, бу таълимотнинг кўп қирралилиги таъкидланади. Тасаввуфнинг Ислом дини таркибида, исломий анъаналар асосида, аммо ўзига хос, мустақил диний-фалсафий таълимот сифатида шаклланиб, ривожланганлиги масаласи ўрганилади. Жумладан, Тасаввуф фалсафасининг онтологик жиҳатлари, айниқса, Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси Н.Комилов тадқиқотларида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу мақолада тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комиловнинг Тасаввуф онтологиясига оид тадқиқотлари ва унинг ушбу диний-фалсафий таълимотдаги ўрни масаласи таҳлил ва тадқиқ этилади.

Калит сўзлар

Нажмиддин Комилов, Тасаввуф, таълимот, Тасаввуф фалсафаси, Ирфон, диний-фалсафий таълимот, тасаввуфшунос, Тасаввуф онтологияси, вужуд, борлик, Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси, таҳлил, тадқиқ.

**THE ONTOLOGY OF SUFISM IN THE EYES OF NADJMIDDIN
KOMILOV**

Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich

Doctor of Philosophical sciences (DSc),

Professor of the Department of “Humanities and Natural Sciences”

ISFT Institute (Tashkent)

jafarmuhammad@mail.ru



Adilov Bobomurod Bekturodovich

*Researcher of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek*

Abstract

The renowned Uzbek Sufi scholar, the founder of the scientific school of Sufism in Uzbekistan, Professor Najmiddin Komilov (1937-2012), in his research, analyzes and examines specific aspects of Sufi philosophy, emphasizing the multifaceted nature of this teaching. The issue of the formation and development of Sufism within the framework of Islam, based on Islamic traditions, but as an independent religious and philosophical doctrine, is being studied. In particular, the ontological aspects of Sufi philosophy, especially the philosophy of Wahdat ul-Wujud, occupy a special place in the research of N. Komilov.

This article analyzes and examines the research of Sufi scholar Najmiddin Komilov on the ontology of Sufism and his role in this religious-philosophical doctrine.

Keywords

Najmiddin Komilov, Sufism, doctrine, Sufi philosophy, Irfan, religious-philosophical doctrine, Sufi scholar, Sufi ontology, being, Wahdat al-Wujūd philosophy, analysis, research.

ОНТОЛОГИЯ СУФИЗМА В ГЛАЗАХ НАДЖМИДДИНА КОМИЛОВА

Холмуминов Джафар Мухаммадиевич

*доктор философских наук (DSc),
профессор кафедры «Гуманитарных и естественных наук»
Института ISFT (Ташкент)*

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Адилов Бобомурод Бекмуродович

*Исследователь Национального университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека*

Аннотация:

В исследованиях известного узбекского учёного-суфийца, основателя научной школы Суфизма Узбекистана профессора Нажмиддина Комилова (1937-2012) анализируются и исследуются специфические аспекты суфийской философии, подчёркивается многогранность этого учения. Изучается вопрос



о формировании и развитии Суфизма в рамках Ислама, на основе исламских традиций, но как самостоятельного религиозно-философского учения. В частности, онтологические аспекты философии Суфизма, особенно философия Вахдат ул-вуджуд, занимают особое место в исследованиях Н.Комилова.

В данной статье анализируются и исследуются исследования учёного-суфииста Наджмиддина Комилова по онтологии Суфизма и его роль в этом религиозно-философском учении.

Ключевые слова

Наджмиддин Комилов, Суфизм, учение, философия Суфизма, Ирфан, религиозно-философское учение, суфиевед, Онтология суфизма, бытие, философия Вахдат аль-вуджуд, анализ, исследование.

Кириш

Тасаввуф таълимоти ўзига хос фалсафий тизимга эга. Унинг фалсафий тизимида оламнинг бор бўлиши (яралиши) ва тузилиши, шунингдек, Инсон борлиги масаласи ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Тасаввуфнинг онтологик жиҳатлари эса Тасаввуфнинг Вахдат ул-вуджуд фалсафасида ўз аксини топан. Шайх ул-акбар унвони билан машҳур бўлган буюк мутасаввиф олим, Тасаввуф фалсафасининг XII-XIII асрлардаги назариётчиларидан бири, Вахдат ул-вуджуд фалсафий мактаби асосчи, Муҳйиддин Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари талкин этаган *Вахдат ул-вуджуд* фалсафаси оламдаги барча мавжудотлар – моддий ва номоддий, жонли ва жонсиз ашёлар бирлашиб, бутун бир *Мутлақ Вуджуд*ни ташкил этади, деган пантеистик фикрга асосланган таълимот эмас. Аксинча, *Вахдат ул-вуджуд* таълимоти *Борлиқ ягона мавжудликдан иборат, бу якка-ягона мавжудлик Оллоҳдир*, деган фикрга асосланган. Яъни, бу таълимотнинг негизида ширк ёки материалистик дунёкараш эмас, балки Тавҳиднинг энг олий намунаси ётади.

Ўзбекистон илмий тасаввуфшунослик мактабига асос солган тасаввуфшунос ва адабиётшунос олим, профессор Нажмиддин Комиловнинг Тасаввуф тарихи, фалсафаси ва адабиётига оид қатор рисола ва мақолаларида Тасаввуфнинг онтологик жиҳатлари, шу жумладан, Вахдат ул-вуджуд фалсафаси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Асосий қисм:

Нажмиддин Комиловнинг таъкидлашича, *Тасаввуф онтологияси*, яъни, Тасаввуфнинг борлиқ ва олам ҳақидаги фалсафий жиҳатлари асрлар давомида ўзгаришларга учраб келган ва турли мутафаккирлар томонидан янги мазмун билан бойитилган. Оламни муҳаббат ва ягона борлиқ (Вахдат ул-вуджуд) тушунчаси орқали тушуниш Тасаввуфнинг муҳим ёндашувларидан



бири бўлиб, унда *онтологик* ва *метафизик* идрокнинг бирлашгани аниқ кўринади.

Ибн Арабий ва унинг шогирдлари тарафидан ишлаб чиқилган ва кенг тарқалган *Ваҳдат ул-вужуд* таълимотига кўра, Худо оламини Ўзининг қиёфаси ва камолини намоёиш этиш учун яратган. Бу қараш, ўз навбатида, *онтологик* *изоҳ* бериш учун бир қатор муҳим методларни ўз ичига олади:

1. *Мақсадли тушунтириш*: Оламнинг мавжудлиги ва унинг борлиги, барча мавжудотларнинг Ўз ичидаги бирликдаги борлигини ифода қиладиган ҳолда, асосий илоҳий камолга эришиш.

2. *Психологик элементлар*: *Маърифат*, *муҳаббат*, *фаол ҳаракатлар*нинг инсон қалбидаги ўрни ва ўзига хос олами, бу ҳолатда инсон ўзини энг юқори руҳий нуқтага етказиш орқали оламга нисбатан ягона қарашни шакллантиради.

Ибн ал-Арабийга кўра, Худонинг бирлигини кўриб ва англаб бўлмайди, илло, бу фақат инсоннинг Унга бўлган бандалик муносабати орқали англашилади. Биринчи ўринда Худонинг ягоналиги. У – кўзларни қамаштирувчи пок *нур*дир. Иккинчи ўринда Худо яратувчидир. Худо Яратувчи сифатида нарсаларни яратади, натижада *кўплик* ва *тафовут* (хилма-хиллик)лар вужудга келади. [1, 47]

Профессор Нажмиддин Комиловнинг тадқиқотларида Тасаввуф фалсафасидаги *онтологик* ва *метафизик* нуқталарни топишдаги ҳаракатлари диққатга сазовор. Бу фалсафий аниқлик, символик рамзлар ва инсоннинг руҳий камолга эришиш жараёнини ўрганишни чуқурлаштиради. Н.Комилов замонавий илмий ёндашувлар ва тадқиқот усулларига таянган ҳолда, Тасаввуфнинг фалсафа билан муросага киришидаги жараёни тадқиқ этишда янги назарий таҳлилни шакллантиради: “сўфий шоири ёки олими деб ном чиқарган кишиларнинг асарларида дунёвий билимлар, ҳикмат ва донишмандликнинг бутун бир сандиғини очиш мумкин. Масалан, Жалолиддин Румийнинг асарларида қанчадан-қанча фалсафа бор, қанчадан-қанча инсоний муаммолар тилга олинди, ҳануз тозаллигини йўқотмаган фикрларни топиш мумкин. Эрон олими Муҳаммад Такий Жаъфарий ўзининг “Мавлавий ва Шарку Ғарб мактабларидаги дунёқарашлар” номли китобида кўпдан-кўп мисоллар қиёси билан Румийнинг “Маснавийи маънавий” номли олти дафтардан иборат муҳташам асари бутун бир фалсафий эканлигини исботлаган. Унда нафақат Шарқ руҳият фалсафаси, ирфоний илмлар қаймоғи акс этган, балки кейинчалик Ғарбий Оврупода кашф этилган қарашлар тизимининг дастлабки тағзаминини кўрса бўлади. Чунончи, Румий биринчи бўлиб, оламнинг заррадан коинот қадар ўзаро вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туриши, диалектик тараққиёти



(оддийдан мураккаб сари ривожланиш, ҳамма ерда зиддият ва қарама-қаршилиқлар бирлигининг мавжудлиги) ҳақида фикрлар баён этган эди. Бу бир неча асрдан кейин Ҳегел томонидан ривожлантирилди".[2,250] Бу нуқтаи назардан қараганда, Тасаввуфнинг метафизик онтологияси ирфоний маърифат билан узвий боғлиқ эканлиги аниқ кўринади. *Олам ва инсонни бирлаштириш* ёки оламнинг *гармоник тўлиқлиги* ҳақидаги ғоялар бу даврда фалсафа ва Тасаввуфнинг ўзаро мўътадил мулоқотга кирганини кўрсатади.

Нажмиддин Комилов Тасаввуф фалсафаси, жумладан, Тасаввуфнинг онтологик жиҳатларига оид тадқиқотлари ва фикр-мулоҳазалари доирасида "Ваҳдат ул-вужуд" фалсафаси алоҳида ўрин тутди.

Ибн Арабийнинг "Ваҳдат ул-вужуд" таълимоти – борлиқни фақат Худонинг зоҳир бўлиши деб қабул қилади. Унга кўра, борлиқда иккинчи мустақил вужуд йўқ. Буни у "Ло вужуда иллатлаҳ" (Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай вужуд йўқ) деган ибора билан таърифлайди. Н.Комилов Ибн ал-Арабий назариясига таяниб, "Ваҳдат ул-вужуд"га Тавҳид ғояси асосида шундай таъриф беради: "Ваҳдат ул-вужуд" деганда моддийликдан, шаклу шамойилдан холи, муназзах, аммо ана шу Ўзи халқ этган оламлар билан доимий бирга бўлган, бу оламлар моҳиятини қамраб олган, уларга муҳит бўлган Зоти покнинг ягона вужуди англашилади".[3,4]

Тасаввуф таълимотида "Ваҳдат ул-вужуд" истилоҳи "борлиқнинг бирлиги" маъносини англатади. Аммо уни "борлиқнинг бирлашуви" ёки «барча нарса ва ашёларнинг битта вужуд атрофида жипслашиши» маъносида эмас, балки "борлиқ (вужуд)нинг ягоналиги" маъносида англаш лозим. Шундагина бу тушунча Ғарб фалсафасидаги пантеизмни эмас, Шарқдаги ислом пантеистик таълимоти – ваҳдат ул-вужуднинг мазмун моҳиятини ифодалайдиган бўлади.

Ваҳдат ул-вужуд ғоясининг ибтидоий кўринишлари илк орифлар – Боязид Бистомий ва Мансур Ҳаллоҷ қарашларида ўз аксини топган бўлса-да, салкам тўрт юз йил ўтгандан сўнг мукамал ва мустақил назария (ёки таълимот) сифатида тан олинди, Шайхи Акбар – Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг бу соҳадаги изланишлари натижасида илмий-назарий жиҳатдан асосланди".[4,95-96]

Н. Комиловнинг фикрича, буюк мутасаввиф Фаридиддин Аттор «Ваҳдат ул-вужуд» ғояларини кичик замондоши – Ибн ал-Арабий китоблари ҳали Эрону Хуросонда тарқалмасдан олдин ўз асарларида ифодалаган эди. Шу нуқтаи назардан, Фаридиддин Атторни «Ваҳдат ул-вужуд» таълимотининг асосчиларидан деб ҳисоблаш мумкин.[5,53]

Нажмиддин Комилов Ибн ал-Арабийнинг ушбу таълимотини Тасаввуфдаги *қалбий мушоҳада*, яъни, қалбда Худонинг зоҳир бўлиши –



ботиний-ижодий завқ ва маънавий-руҳий лаззат сифатида тушунтиради. Тасаввуфдаги ана шу “ботиний-ижодий завқ ва маънавий-руҳий лаззат” илмий тилда “экстаз” деб аталади. Мазкур концепция фақат метафизик назария эмас, балки экзистенциал Ирфон – қалб тажрибаси сифатида ҳам ифодаланади.

Нажмиддин Комилов ва Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” ҳақидаги талқинларини қуйидагича қиёслаш мумкин:

Ибн Арабий:

Нажмиддин Комилов:

Ваҳдат ул-вужуд – метафизик таълимот.

Ваҳдат ул-вужуд – маънавий, ирфоний тажриба.

Худо – ягона ҳақиқий вужуд.

Худо – қалбда мушоҳада қилинадиган зот.

Олам – Худонинг тажаллийси.

Олам – муҳаббат маҳсули, инсон – олам кўзгуси.

Тасаввуфдаги онтология, яъни, борлиқ ва олам ҳақидаги қарашлар ҳам ирфоний муҳаббат тушунчаси билан боғлиқ эканлигини мушоҳада этиш мумкин. Тасаввуфда кенг тарқалган Ваҳдат ул-вужуд таълимотига биноан, Парвардигор оламларни Ўз жамоли ва камолини намойиш этиш учун яратди. Яъни У Ўз хуснини томоша қилиш учун Ўзига кўзгу яратдиким, бу инсоният оламини ўраб олган моддий оламдир. Аммо, бу кўзгунинг субстанцияси (жавҳари) – инсон қалбидир. Бошқача айтганда, Парвардигор инсон қалбида Ўзини кўради. Демак, олам – муҳаббат маҳсули, инсон – Худонинг суюкли мавжудоти. Шундай экан, муҳаббат, интилиш икки томонлама муҳаббат – инсоннинг Худога интилиши ва Худонинг инсонга бўлган таважжуҳидар иборат. “Ошиқ” ва “маъшук” тушунчалари бир-бири билан қоришиб кетади.[2,247-248]

Тасаввуфнинг онтологик жиҳатлари тўғрисида баҳс юритганда, бу таълимотнинг онтологик асослари ҳам диний эканлигини назардан кочирмаслик керак. Зотан, Тасаввуф фалсафаси бўйича бир қатор тадқиқот ишларини амалга оширган Жаъфар Холмўминовнинг бу ҳақдаги фикрига кўра, “Тасаввуф онтологияси ўзига хос диний-теологик борлиқшунослиқдир. Ундан айнан фалсафадаги онтологияни излашнинг ҳожати йўқ. Негаки, унинг ўзига хос иррационалистик, теологик ва мистик ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва категориялари мавжуд”.[6,4] Ж.Холмўминовнинг “Ваҳдат ул-вужуд” фалсафасига берган таърифи бўйича, “Борлиқ, унинг Мутлақ Вужуднинг ҳақиқати эканлиги, бутун борлиқда битта вужуд мавжудлиги ва у Аллоҳ таоло эканлиги, бошқа вужудлар эса унинг мавжудлиги туфайли бор



бўлгани ҳақидаги ғоялар *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасининг борлиқшунослиги – онтологиясини ташкил этади”. [7,75]

Албатта, Ваҳдат ул-вужуд – Тасаввуф онтологиясини оддий фалсафий тил билан тушунтириб бўлмайди, айти пайтда бу таълимотни шариат аҳли ҳам қабул қилолмайди. Чунки илоҳий оламини ва Худони нафис поэтик маънода тасаввур этиш инсоннинг абадий ҳаётдан умидвор қалбининг соғинчлари, орзу-армони ва тасаввурларининг маҳсулидир.[2,248] Бундай тасаввур ва тафаккурга эга бўлган инсонлар эса ниҳоятда кам топилади.

Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси бўйича, “Парвардигор аввал жабарут (буюклик) оламини, кейин малакут (фаришталар) оламини, кейин мулк (моддий) оламини, кейин инсон оламини яратган. Кўнгил (рух) шу оламларни сайр этиб, инсонга нузул этади ва яна шу оламлар бўйлаб уруж этади (кўтарилади). Оқибатда Рухнинг (Илоҳий оламдан) бегоналашуви ва яна у билан бирлашуви натижасида мукаммал бир доира якун топади. Бу доира *Олами Кубро* – борлиқни *Олами Суғро* – инсон билан боғлайди. *Олами Суғро* – инсонда *Олами Кубро*даги барча хусусиятлар мавжуд. Бу ҳам оламга антропоцентристик қарашнинг натижасидир”. [2,248]

Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг иккинчи қисми – *Тажаллий* ёхуд *Илоҳий тажаллий* назариясига кўра, бутун олам азалий зот нурининг таралашидан мавжудлик топган. Ҳаракат ва боғланишлар, алоқадорликлар ва ҳаёт жиолари вужуд оламида айнан ана шу *Илоҳий тажаллий* туфайли намоён бўлади. Инсон буни идрок этса, ўз Раббини танийди.[2,248] Н.Комиловнинг хулосасига кўра, Тасаввуф онтологияси – Ваҳдат ул-вужуд ҳам инсон борлиғи ва моҳиятига оид назариядир.

“Ваҳдат уш-шухуд тарафдорлари эса Ибн ал-Арабий номи билан боғлиқ *Ваҳдат ул-вужуд* таълимотини бироз ислоҳ қилиб, уни яна ҳам инсонга яқинлаштириб талқин этадилар. Яъни, олам ва Худо вужудининг ягоналиги эмас, балки олам ягоналигини мушоҳада этиш биринчи режага олиб чиқилди. Парвардигор инсон қалбида тажаллий (акс) этиб, Ўзидан шохидлик беради ёки Ўзини Ўзи мушоҳада этади. Маълум бўладикки, инсон қанчалик камолга эришса, покланиб, илоҳийлашиб борса, унда илоҳийлик сифатлари кўпайиб бораверади ва охир-оқибатда у Мансур Ҳаллож каби “Анал-Ҳаққ” (“Мен Ҳақман”) дейишга ҳақли бўла олади”. [2,248]

“Ваҳдат ул-вужуд” дин ва фалсафа уйғунлигидан ҳосил бўлган таълимотдир. Шу нуқтаи назардан, бу таълимотни бир зоҳирбин диндор киши катъий тарзда рад этганидек, бир атеист файласуф ҳам қабул қила олмайди. Бу таълимотнинг тарафдорларидан кўра муҳолифлари кўпроқ бўлган ва ҳозирги кунда ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Айнан шу таълимот бўйича узоқ йиллар давомида тадқиқотлар олиб борган



Ж.Холмӯминов бу Ваҳдат ул-вужудни *пешқадам* таълимот сифатида баҳолайди. Унинг фикрига кўра, “Тасаввуфнинг онтологик дунёкараши ҳисобланган Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси Ислом тафаккури ва инсоният яратган энг пешқадам фалсафий ғоялар билан бойиган, классик фалсафамиз ва тафаккур тарзимизнинг ёрқин намунаси бўлган таълимотдир. У ўзига хос онтологик, гносеологик ва фалсафий-антропологик асосларга эга”.[6,4]

“Тасаввуф аҳли оламни яхлит борлиқ (ҳастий) деб тан оладилар. Аммо бу яхлитлик ва мавжудлик Худо вужуди – вожиб ул-вужуд орқали англашилади. Моддий олам ўз ҳолича мавжуд эмас. Унинг мавжудлигининг сабаби – Вожиб ул-вужуд (зарурий вужуд)нинг борлигидир”.[2,248]

Н.Комилов Ибн ал-Арабийнинг Ваҳдат ул-вужуд таълимотини шарҳлаган ва давом эттирган Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ушбу таълимотга берган шарҳларини қисқача тарзда қуйидагича талқин этади: “Жомий ёзади:

Ваҳдате гашта касраташ торий,
Дар ҳама сорий в-аз ҳама орий.
Аз худуди тааллуқот берун,
В-аз қуюди таъайюнот масун.[8,4-b]

(У шундай бир ваҳдат – бирлики, касрати – қўпчилиги билан бирга ҳамма нарсада мавжуд, аммо барча нарсадан пок. Боғланишлардан ташқарида, ҳеч нарса билан боғланмаган, кўринишлар қайдидан озод).

Бунда Абдурахмон Жомий бир-бирини рад этувчи, айнаи вақтда бир-бирига зич алоқадор икки тушунча ҳақида фикр билдирган. Бири шуки, Мутлақ Рух – ўзи воҳид ва ваҳдат, ҳеч нарса билан боғлиқ эмас.

Иккинчиси шуки, У ҳамма нарсада мавжуд, нарсалар моҳиятига сингиб, нурдай оқиб туради. Бунда ваҳдат касратни, касрат ваҳдатни билдириб туради ёки бошқача айтганда касратда ваҳдат, ваҳдатда касратдир. Бу худди гул билан сув ўртасидаги муносабатга ўхшайди: яшнаб очилган гул барглари мағзида сув бор, сув уни яшнатади, айнаи вақтда сув кўринмайди; Жомий ёзади:

Кулл дар Ў айнаи Ўсту Ў дар кулл,
Айнаи кулл ҳамчу об андар гул.

(Куллият – Унинг айнаи ўзи, У ҳам куллиятда шундайдир. Бу худди гулда сувнинг борлигига ўхшашдир).



Барча гулларда сув бор, аммо гуллар хилма-хил, рангба-ранг. Бирок сув бир хил, сув жами ўсимликлар хусусиятини жамлагандай, (куллият), Аллох бутун оламлар моҳиятини жамлайди, кулл этади, Ягона вужуд ҳосил бўлади.

Бу ўринда ваҳдат ул-вужуднинг икки принципи қўшилган, яъни: 1) барча нарсалар Ундан; 2) барча нарсалар Удир. Юзаки қараганда ўзаро зид бўлган бу қарашлар аслида ўзаро мувофиқ: барча нарсаларни У яратган, аммо Усиз нарсалар мавжуд бўлолмайди, чунки олам вужуди –Унинг вужудидир.

Бошқача айтганда:

- 1) ҳамма нарсалар Ундан
- 2) ҳамма нарсалар Унда
- 3) ҳамма нарсалар У билан”.[3,4-5]

Профессор Н.Комилов Тасаввуфдаги *Ваҳдат ул-вужуд* (борлиқнинг ягона манбаи ҳақидаги таълимот) ва унинг тажаллий (зоҳир бўлиш) назарияси асосида борлиқ ҳақидаги ирфоний концепцияни очиқ беради. Ушбу таълимотга кўра, олам Худованднинг зоҳир бўлишидир ва бу зоҳир бўлиш муҳаббат орқали содир бўлади. Олам – муҳаббат маҳсули, инсон – асл моҳият кўзгусидир, яъни Худо инсон қалбида ўзини кўради. Бу ёндашув мураккаб онтологик тизим бўлиб, у ирфоний билишга асосланган. Худо ва олам, Холик ва махлук ўртасидаги боғланиш фақат рационал билиш билан эмас, калбий кашф, яъни интуитив идрок орқали англонади: “Парвардигорни ва Унинг қудрати, мўъжизалари, ғайб оламини фақат ақл билан билиб бўлмайди. Мен “фақат” сўзини таъкидладим. Чунки баъзи ишларда Тасаввуфнинг билиш назарияси бўлган ирфон илмини ирроционализм ёхуд мистика деб таърифлаш расм бўлиб келмоқда. Тўғри, Тасаввуфда иррационал (важдий) билиш етакчилик қилади. Аммо, бу Тасаввуфда ақл бутунлай инкор этилган, деган гап эмас. Тасаввуфда ҳам ақлий билиш, ақл қудрати тан олинади. Бирок ақл дунёвий билимлар, далил билан исботланиши мумкин бўлган билимларга ярайди, ғайб илмини идрок этишга эса ақл ожиз, дейди сўфийлар. Ғайб илми, Худованд оламидаги беҳад-беҳудуд илмларни сўфий алоҳида ҳиссий-важдий тафаккур билан, қалбга тушган каромат нури билан англаб, идрок этади. Шу боис Тасаввуфда *мукошафа*, *кашфу каромат*, *ҳол-сукра* тушунчаларига алоҳида эътибор берилади”.[2,246]

Ирфоний ишқ ва инсон марказлилик (антропоцентризм).

Муҳим нуқта шуки, профессор Н.Комилов Тасаввуф таълимотини антропоцентризм асосида талкин қилади:

- инсон оламнинг марказидир;
- инсон Олами суғро (кичик олам)дир;



- “Олами суғро”да Олами кубро”нинг барча хусусиятлари жамланган. Яъни, инсон – микрокосм, олам – макрокосм. Бу ягона борлиқ назарияси – Ваҳдат ул-вужуднинг Тасаввуф антропологияси билан уйғунлашувини англатади.

Инсоннинг руҳи оламлар аро маънавий сайрни амалга оширади. Бу оламлар куйидагилардан иборат:

- Жабарут олами – улуғлик олами.
- Малакут олами – маънавий олам.
- Мулк олами – моддий олам.
- Инсон олами – бутун борлиқнинг сирати.

Бу *руҳий космогония* – инсон қалбига қайтиш жараёни сифатида талқин қилинади. Унда *экзистенциал бегоналашиш ва бирлашиш* доирасини кўрамиз, бу эса инсон руҳий камолотининг йўли сифатида тушунилади.

Профессор Нажмиддин Комиловнинг Тасаввуф таълимотига муносабати унинг куйидаги фалсафий-ирфоний ёндашувларида намоён бўлади:

- Тасаввуф онтологиясининг *инсон борлиқнинг меҳвари* – маркази сифатида талқин қилиниши;

- Илоҳий ишқни *ирфоний-маърифий билиш* шакли сифатида тушунтириши;

- Ислом ирфонини замонавий фалсафа, хусусан экзистенциализм ва психоанализм билан қиёсий таҳлил қилиши;

- фан, фалсафа ва Ирфон ўртасидаги чегараларни юмшатиши, яъни, ақл ва қалб, маълумот ва завқ, тафаккур ва мушоҳада ўртасидаги бирликни тиклашга уриниши.

Хулоса

Нажмиддин Комиловнинг илмий мероси нафакат Тасаввуф таълимотининг фалсафий-ирфоний моҳиятини тадқиқ этишда, балки бугунги замонавий инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда ҳам муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Унинг Тасаввуф онтологиясига оид тадқиқотларида:

- Борлиқнинг яралиш манзараси Тасаввуфий онтология – Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси асосида тадқиқ этилган;

- Тасаввуфий онтология – Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси асосида Мутлак вужуд – Аллоҳ таолонинг бирлиги масаласи ётгани таҳлил ва тадқиқ этилган;

- Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси Инсон олами – инсон моҳияти билан хулосалангани ва бу орқали инсоннинг марказга қўйилгани таъкидланган.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мухйиддин ибн ал-Арабий. Фусус ул-хикам. – Қоҳира, 1949. – С.47.
2. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: “Movarounnahr” – “O`zbekiston”, 2009. – Б.250.
3. Комилов Н. Ибн Арабий Абдурахмон Жомий талқинида. / Холмўминов Ж.М. Жомий ва Ваҳдат ул-вужуд таълимоти (Монография). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.4.
4. Холмўминов Ж.М. Жомий ва Ваҳдат ул-вужуд таълимоти (Монография). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.95-96.
5. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб: Тавҳид асрори. –Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти; “Ўзбекистон”. 1999. –Б. 53.
6. Холмўминов Ж. Тасаввуф онтологияси (Монография). – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик университети; “Yosh avlod matbaa”, 2021. – Б.4.
7. Холмўминов Ж.М. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва Нақшбандия таълимоти (Ибн ал-Арабий, Хожа Мухаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий қарашлари асосида). Монография. – Тошкент: “Tafakkur”, 2020. – Б.75.
8. Абдурахмони Жомий. Ҳафт авранг. – Тошканд, 1914, 4-б.